

Қабрлар эҳтироми | Фикҳ дарслари (274-дарс)



19:00 / 22 март 984

Барча фуқаҳолар қабрларни эҳтиром қилиш суннат эканига иттифоқ қилганлар. Қабрларнинг эҳтироми қуйидагилардан иборат:

1. Қабрнинг устига ўтириб, устидан юриб ёки қазои ҳожат қилиб бўлмайди. Ҳанафийлар: «Зарурат юзасидан, қироат қилиш учун ўтирса бўлади», деганлар.

2. Модомики, қабрнинг ичида маййитнинг суяги борлиги гумон қилинса, уни очиб бўлмайди. Қабр қазилаётганда эски суяклар чиқиб қолса, уларни авайлаб кўмиб қўйилади. Зинҳор суяклар синдирилмайди.

Фақат зарурат юзасидан қуйидаги ҳолатлардагина қабрни очишга рухсат берилади:

– Маййит ювилмасдан ёки кафансиз кўмилган бўлса, ғишт терилгандан кейин, тупроқ тортилмасдан олдин очиш мумкин. Қабр устидан тупроқ тортилганидан кейин очиш ҳаромдир.

– Кафан ёки ер зўрлик билан тортиб олинган бўлса-ю, эгалари ҳақини олмай, «Ўзини берасан», деб туриб олсалар.

– Бошқа маййитни кўмиш ёки жомеъ масжидни кенгайтириш учун зарур бўлиб қолса, эски қабрни очиш мумкин.

Қабрдаги жасад чириб, тупроққа айланиб кетган бўлса, унинг ўрнига бино курси ёки экин экса бўлади.

– Майит билан бирга мол, тақинчоқ дафн қилинган бўлса ёки бировнинг моли тушиб кетган бўлса ва у талаб қилса, қабрни очса бўлади.

– Бировнинг гавҳарини ютиб юборган одам ўлса ва гавҳарнинг эгаси талаб қилиб туриб олса, ўликнинг қорнидан унинг гавҳари олиб берилади.

– Ҳомиладор аёл ўлса-ю, ичида боласи қимирлаб турса, унинг қорнини ёриб, боласи олинади.

3. Дафндан кейин майитни қўчириш мутлақо мумкин эмас.

4. Қабрнинг устига сув сепиш мандубдир. Ҳўл шохларни ва райҳон каби нарсаларни қабр устига қўйиш суннатдир. Қабр устида ўсиб турган майса ва ўсимликларни қуримасдан олдин олиш макруҳдир, чунки ҳўл набототнинг тасбеҳидан майитга фойда етиб туради.

5. Зарурат юзасидан бир қабрга бирдан ортиқ майитни қўйиш мумкин. Уларнинг афзали қиблага яқин қилиб қўйилади. Икки майитнинг орасига тупроқдан тўсиқ қилинади.

Майит чириб, тупроққа айланиб кетган бўлса, унинг қабрига бошқа майитни қўйиш жоиз. Қабрдаги майитнинг чиригани ернинг хусусиятига боғлиқ бўлади. Буни биладиган кишилардан сўралади.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.